



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING FARMOYISHI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармонининг 9-банди, шунингдек, Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 11 мартдаги 122-сон буйруғига асосан Ички ишлар вазирлиги ҳузурида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган Жамоатчилик кенгашининг янги таркибини тасдиқлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармони 8-бандига мувофиқ:

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари раислари фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасидан тасдиқланиши;

ҳар йили жамоатчилик кенгашларининг фаолияти самарадорлиги баҳоланиши ва унинг натижалари эълон қилиниши;

жамоатчилик кенгашларининг фаол аъзолари давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириб борилиши;

“Юксалиш” ҳаракатига ҳар йили жамоатчилик кенгашлари фаолият самарадорлигини баҳолаш ва унинг натижаларини ўз расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилиб бориш тавсия этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармони ҳамда “Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 11 мартдаги 122-сон буйруқ талаблари асосида йўлга қўйилади.

3. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ҳудудий ахборот хизматлари тегишлилиги бўйича кенгашлар фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчиликка доимий равишда етказиб бориш ишларини жадаллаштирсин.

5. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси (Ш.К. Гиясов), Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти (И.О. Абдурахмонов) Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Х.В. Махсумов):

жамоатчилик кенгаши олдига қўйилган асосий вазифа ва функциялардан келиб чиққан ҳолда белгиланган режа ва тадбирлар ташкиллаштирилишини таъминласин;

жамоатчилик кенгашининг, вазиятга кўра, онлайн ёки офлайн тарзидаги йиғилишлари ўтказиб борилишини ташкиллаштирсин.

6. Мазкур фармойиш ижросини таъминлаш Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи, полковник Ш.К. Гиясов зиммасига юклансин.

**Вазир
генерал-майор**

Тошкент, шаҳри,
2025 йил "30" 05
2024 -сон



А.А. Ташпулатов

Ички ишлар вазирининг
2025 йил “30” ~~март~~ даги
~~2024~~ -сон фармойишига
ИЛОВА

**Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши
ТАРКИБИ**

- | | |
|-----------------|--|
| Ё.Х. Саъдиев | – Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, <i>кенгаш раиси</i> |
| З.А. Алматов | – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси, <i>кенгаш раиси ўринбосари</i> |
| Ш.Г. Усманов | – “Нуроний” жамғармаси Республика бошқаруви раиси ўринбосари |
| А.А. Азизов | – Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бўлим бошлиғи |
| Т. Турсунов | – “Тараққиёт стратегияси” маркази Ташкилий кадрлар хизмати бошлиғи |
| М.С. Зикирова | – Республика Маънавият ва маърифат маркази вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик бўлими бош мутахассиси |
| А.А. Нарзуллоев | – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директорининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси |
| Ғ.А. Мажидов | – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари |
| Р.К. Маликов | – “Ўзбекфильм” киностудияси кинорежиссёри |
| М.А. Нурматова | – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари |
| Ш.Т. Қудратхўжа | – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори |
| С.Б. Рашидов | – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори |
| Л.И. Исламова | – Ўзбекистон Республикаси журналистикани ривожлантириш маркази раиси, “Anhor.uz” бош муҳаррири |
| А.А. Мухторов | – Ўзбекистон халқаро Исломунослик Академияси ҳузуридаги “Зиё” медиа маркази директори |
| М.А. Усмонова | – “Саодат” журнали бош муҳаррири |

- В.С. Алексеева – “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази директорининг биринчи ўринбосари
- А.М. Салихов – Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раисининг ўринбосари
- О.Қ. Норбоев – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш бўлими бошлиғи
- И.М. Хушев – “Дунё ўзбеклари” сайти бош муҳаррири
- Қ.Қ. Шайхов – “Qalampir.uz” интернет нашри таъсисчиси
- Усмон Азим – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири
- А.Ю. Атаджанов – “Gazeta.uz” интернет нашри бош муҳаррири
- А.М. Юсупов – “Daryo.uz” интернет нашри бош муҳаррири
- Д.А. Абдуқодири – “Kun.uz” интернет нашри бош муҳаррири
- З.У. Солижонов – Жамоатчилик фаоли, мустақил блогер
- Ф.И. Тошев – Самарқанд вилояти ҳокимлиги “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” бирлашган тахририяти бош муҳаррири, Самарқанд вилояти ҳокимлиги депутатлар кенгаши депутати
- Х.В. Махсумов – ИИВ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи ўринбосари, полковник
- А.А. Хамдамов – ИИВ Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси профессори (истеъфодаги полковник)
- Ш.К. Гиясов – ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи, полковник, кенгаши котиби

Изоҳ:

Кенгаши аъзолари бошқа лавозимга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариши юклатилган ходимлар киритилади.

Жамоатчилик кенгаши таркиби Ўзбекистон нодавлат-ночинозорат ташиқлотлари миллий ассоциацияси билан келишилган.